




Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 137 (12.198)

Баҳоси эркин нарҳда



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги босқичи бўлиб ўтди.

ТАБАРРУК ВАТАН МАДҲИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларга пухта таълим-тарбия беришга оид кенг қўламли ислохотлар жараёнида йигит-қизлар маънавиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий аъёна ва кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аъёнавий тарзда ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ёшларни ватанпарварлик, фидойилик руҳида вояга етказиш, жонахон Ўзбекистонимизни юксак пардаларда тараннум этувчи музикантлар яратишга хизмат қилмоқда. Унда профессионал, ҳаваскорлик бадий жамоалари, ансамбллар, яққа ижрочилар, шунингдек, мактаблар, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим масканлари, ҳарбий қисмларнинг жамоалари фаол иштирок этмоқда. Жорий йилда мазкур кўрик-танловнинг Олий

ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида ўтказилган дастлабки босқичларида юртимиздаги барча олий ўқув масканларидан 370 ижодий жамоа қатнашди. Улардан 11 ғолиб жамоа тизимда ўтказилган ижодий беллашувнинг якуний босқичига ўз куй-қўшиқларини тақдим этди. Жонахон Ўзбекистонимизни бор ғўзаллиги, таровати билан куйлаш барчамиз учун улкан шарафдир, дейди Қорақалпоқ давлат университетининг талабаси Ақбаршод Йўлдошев. — Жамоамиз тайёрлаган кўшиқ жозибали оҳангларга йўғрилгани, жўшқин миллий рақсларга бойлиги билан кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди. Танлов якунига кўра, Қорақалпоқ давлат университети талабаларининг ижодий жамоаси ҳамда Самарқанд давлат университетининг талабалар жамоаси биринчи ўринга лойиқ топилди. Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири



ШАҲНОЗА РАҲМАТУЛЛАЕВА:

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Мустақиллик шарафати билан юртимизда бошқа соҳалар каби спорт соҳасида ҳам улкан хайрли ўзгаришлар юз берди. Нуфузли халқаро мусобақаларда ғолиб чиқаётган юртдошларимиз шарафига тез-тез давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз мағрур ҳилпирамоқда. Ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт иншоотларининг қад ростлаши натижасида мамлакатимиз довруғини жаҳонга ёяётган кўплаб ёш иқтидорлар етишиб чиқмоқда.

Ёшлар — келажакимиз

«МАҚСАДИМ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛИШ»

Мана шундай ёш иқтидорли спортчилардан бири — Шайхонтоҳур туманидаги «Шофайзи» маҳалласида истиқомат қилувчи Шаҳноза Раҳматуллаеванинг катта спортга кириб келишига ота-онаси сабабчи бўлган десак адашмаймиз. Негаки, оиладаги соғлом муҳит, онаси Назокат опанинг баскетбол, отаси Иззатилла аканинг (охирати обод бўлсин) ўз вақтида бокс билан шуғулланиши ҳамда Самарқанд давлат университетининг талабалар жамоаси биринчи ўринга лойиқ топилди.

Юнус Ражабий номидаги педагогика коллежини жисмоний тарбия йўналиши бўйича битирганлиги ҳам бежиз эмас. Бугунги кунда спорт устаси Шаҳноза Раҳматуллаева Чилонзор туманидаги «Тош куч» спорт клубида иқтидорли мурраббий Қаюм Махмудов қўл остида кикбоксинг ҳамда репак silat каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда. Бинобарин, кўрсатаётган натижалари ҳам ёмон эмас. Жумладан, у 2010 йилда кикбоксинг бўйича Ўзбекистон ҳамда Тошкент шаҳри чемпиони бўлган бўлса, репак silat бўйича икки карра мамлакат чемпиони бўлган. Бундан та-

шқари, Украинада ўтказилган жаҳон кубогида қумуш, Индонезияда уюштирилган жаҳон чемпионатида бронза медалларини қўлга киритган. — Эртага Pencak silat бўйича Европосиё очик кубогида иштирок этиш учун Украинага жўнаб кетаман, — дейди Шаҳноза Раҳматуллаева. — Ноябрь ойида эса Таиландда ўтказилган Осиё кубогида қатнашмоқчиман. Шунингдек, бу йил кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони бўлишга ўтказилди. Мақсадим — жаҳон тожиди қўлга киритиб, мустақил юртимиз довруғини оламга ёйишдир.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Шахс камолотида касб маҳоратини намоён этиш билан, ўз ишига қизиқиш, меҳнат натижаларидан маънавий ва руҳий қониқиш ҳосил қилиш муҳим ўрин тутди. Шу сабабли педагог ва устозларнинг асосий вазифаларидан бири — ўқувчиларнинг ташаббускорлигини, ўз малакасини ошириш йўлидаги интилишларини рағбатлантиришдан иборат.

Қарор ва ижро

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС БЎЛИШ — ШАРАФЛИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралда қабул қилинган «Касб-хунар коллежалари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимиздаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида йигит-қизларнинг зарур мутахассисликларини, танлаган йўналишига оид назарий билимларни пухта эгаллаш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этиш орқали амалий кўникмаларни ҳосил қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

— Ўқишнинг иккинчи босқичида молия ва банк иши, солиқ тизими, менежмент ва бухгалтерлик ҳисобини ўрганаётган ўқувчилар амалий машғулотларини коллежимиз билан ҳамкорлик қилаётган корхоналарда, банкларда ва бошқа муассасаларда ўтамоқда, — дейди Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи директорининг ўринбосари Баҳодир Ҳамроев. — Бу уларнинг иш муҳитига мослашиши ва бўлажак ҳамкасбларидан тажриба ўрганишига ёрдам беради, айни пайтда ўз соҳасида сезиларли ютуқларни қўлга киритишга иштиққ уйғотди. (Давоми 2-бетда)

Қишга тайёргарлик — долзарб вазифа

МУҲИМ ВА АҲОЛИ УЧУН ЗАРУР ХИЗМАТ

Аҳолини тоза ичимлик суви билан узлуқсиз таъминлаш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидандир. Бу борада «Сувоз» давлат унитар корхонаси томонидан сув қувурлари ва канализация тизимини куз-қиш мавсумига тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Корхона ходимлари белгиланган қонда ва нормаларга риоя қилган ҳолда, Тошкент шаҳрида сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш, сув истеъмолини назорат қилиш, гидроншоотларнинг барқарор ва ишончли ишлашини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни бажармоқда.

Айни пайтда экспертларнинг фикрлари инobatта олиниб, тегишли тавсиялар асосида тузилган бажарилиши зарур бўлган тадбирлар режаси босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўришни мувофиқлаштириш гуруҳи қишга тайёргарлик тадбирлари режасининг амалга оширилишини назорат қилади, юзага келган муаммоларни зудлик билан ҳал этади. — Истеъмолчиларга тоза ичимлик сувини етказиб бериш аҳолига кўрсатилаётган ҳаётий муҳим хизматлардан биридир, — дейди «Сувоз» давлат унитар корхонаси бош муҳандиси Б.Маннонов. — Сувнинг сифати ва узлуқсиз етказиб берилиши кўп жиҳатдан навбатдаги куз-қиш мавсумига ўз вақтида тайёргарлик кўрилишига боғлиқ. Шу мақсадда, аввало, тегишли тизим ва иншоотларнинг ҳолати ва мавсумга нечоғли тайёрлиги текширилмоқда, барча ускуналар синвондан ўтказилмоқда, янги сув таъминоти ва канализация тармоқлари ўрнатилмоқда, эскилари алмаштирилиб, таъмирланмоқда, фойдаланилаётган иншоотларнинг 12 та бўлинмаси реконструкция қилинмоқда.

Сув билан сифатли ва узлуқсиз таъминлашда сув қувурлари ва йирик сув узатиш тармоқларининг ҳолати муҳим ўрин тутди. Шу кунгача 8,5 километр узунликдаги эскирган сув қувурлари алмаштирилди, 50 та сув узатиш таъмирланиб, профилактика текширувидан ўтказилди, насосларнинг 222 та лўқадони таъмирдан чиқарилди ҳамда 100 таси алмаштирилди. Президентимизнинг 2010 йил 16 декабрда қабул қилинган Ислам тараққиёт банки иштирокида Тошкент шаҳри канализация тизимини такомиллаштириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қароридан белгиланганидек, Тошкент шаҳри канализация тизимининг самарали ишлаши ва уни такомиллаштириш ҳам катта аҳамият касб этади. Шу йилнинг март ойидан буён канализация тармоқларининг 3 километрдан ортиқча капитал таъмирланди, 247 километр жорий таъмирдан чиқарилди. Салар шомоллаштириш станциясида оқова сувларда чинчиларни ушлаб қолдирган ва суви тозалаш тизимининг муҳим қисми бўлган иккита панжаранинг биринчиси алмаштирилди. (Давоми 3-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежида «Камолот» ЁИХ ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Ёш

тадбиркор келажакка пойдевор» кўрик-танловининг шаҳар босқичи якунланди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкентдаги Турин политехника университетиде «Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод Ватан!» шиори остида аёллар спорт фестивали ўтказилади. Унда пойтах-

тимиз маҳаллаларида истиқомат қилаётган аёллар иштирок этадилар.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗНИНГ** Юнусобод туманидаги «Зилола» болалар оромгоҳида Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган

тадбирда олимлар, шоир ва ёзувчилар, маънавий тарғиботчилари иштирок этди. Шунингдек, тадбир доирасида ташкил этилган кўргазмада ўқувчиларнинг ижодий ишлари намойиш этилди, Ватан, Истиқлол, тинчликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, шеърлар янгради.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термиз шаҳрида хорижлик сайёҳлар учун мўлжалланган янги меҳмонхона фойдаланишга топширилди. «Silk Road Termez» деб номланган кўркам меҳмонхона замонавий ва миллий архитектура аъёналари уйғунлигида барпо этилган бўлиб, жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш учун барча қулайликларга эга.

• Урганч қурилиш касб-хунар коллежида битирувчиларга диплом топшириш тадбири бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси ходимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, алоқадор ташкилотлар раҳбарлари, ота-оналар ва ўқувчилар иштирок этишди.

• Фарғона шаҳрида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Тадбирларда депутатлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, маънавий тарғиботчилари, театр ва кино санъати вакиллари, Осиё ва жаҳон чемпионлигини қўлга киритган спортчи ёшлар иштирок этди. Улар давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритдилар. Айниқса, «оммавий маданият» деб ном олган иллатнинг таъсири кучайиб бораётган бугунги кунда ўғил-қизларимизни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш долзарб аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

• Навоий шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида ишга туширилган «Аквапарк» болаларнинг таътилини мароқли ўтказишга хизмат қилмоқда. Замонавий сузич аттракционлари ҳар кун болажонлар билан гавжум. Мазкур иншоот Навоий вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш инжиниринг компанияси бююртмаси асосида «Шарқ қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилди.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг Колорадо штатида юз берган ўрмон ёнғинлари бартараф қилинди. Уч ҳафта олдин бошланган табиий офат оқибатида 75 квадрат километр майдон жиддий зарарланган. 350 та турар жой биноси ёниб кетган. Фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 32 минг нафар одам кўчирилган. Манбада қайд этилишича, Колорадо тарихида шу пайтгача бундай талафотларга сабаб бўлган ўрмон ёнғинлари кузатилмаган экан. Ҳозир унинг келиб чиқиш омилларини ўрганиш юзасидан текширишлар олиб борилаётган.

• Европа Иттифоқи иқтисодиёт ва молия вазирлари Брюссель шаҳрида Испанияга молиявий кўмак бериш масаласини муҳокама қилиш учун учрашдилар. Унда инкироздан катта талафот кўрган мазкур давлат банклари фаолиятини жонлантириш учун 30 миллиард евро миқдорига маблағ ажратишга қарор қилинган. Бу сармоа июль ойи охиригача ўтказиб берилиши режалаштирилмоқда. Ўз навбатида, расмий Мадридга бюджет тақчилигини 3 фоизга камайтириш вазифаси қўйилган. Шунингдек, учрашувда ЕИ молия муассасаларини инкироздан ҳимоялаш масаласи ва Кипрнинг ташкилотта иқтисодий кўмак сўраб қилган мурожаати ҳам кўриб чиқилди.

• «Philips» компанияси «Philips Xenium X130» русумидаги янги мобил телефони оммага намоийш қилди. Эътиборлиси, у бир марта қувват олдирилса, 16 кун гаплашиш мумкин. Агар суҳбатлашишга зарурат туғилмаса, телефон 80 кун мобайнида ўчиб қолмайди. Янги маҳсулотнинг яна бир қулайлиги иккита «SIM» карта билан ишлашидир. Бундан ташқари, «Philips Xenium X130»да камера, радио, «Bluetooth» каби қўшимча имкониятлар ҳам мавжуд. Компания мутасаддилари бу алоқа воситаларини яқин кунлар ичида Европа мамлакатларида сотувга чиқаришни режалаштиришмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Қодирия» бош иншоотида ҳам катта ишларни амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, у ердаги сув чиқариш иншоотларида алмаштириш кўзда тутилган 6 та филтративчи мосламанинг ўтаси алмаштирилди. Йирик сув узатиш насоси таъмирланди. Ичимлик ва оқова суви чиқариш, филтратив, тозалаш, истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ барча ишлар нафақат кўплаб мутахассисларнинг иштирокини, балки усуналар ҳамда иншоотлардан ҳам самарали фойдаланишни талаб этади. Табиийки, йиллар ўтиши билан улар ҳам эскиради. Шунинг учун иншоотлар томини таъмирлаш бўйича катта ҳажмдаги ишларни бажариш белгиланган. Бу йил 4800 квадрат метр томини таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, у фольгонзол билан қопланади. Айтилганга 1000 квадрат метр жойга ушбу материал тўшди. Аксарият гидроиншоотлар ўз иситиш тизимига эга, идораларга қарашиб унга ана шундай қозонхона қуз-қиш мавсумига тайёрланмоқда.

Қишга тайёргарлик — долзарб вазифа

МУҲИМ ВА АҲОЛИ УЧУН ЗАРУР ХИЗМАТ

Технологияларнинг шиддат билан ривожланаётгани ва замонавий техникага қўйилаётган талабларнинг ортиб бораётгани янада янги усуналарни жорий этишни тақозо қилмоқда. Тошкент шаҳрига хизмат кўрсатаётган гидроиншоотларда гидравлика режимини оптималлаштириш, электр энергияси ва сув ресурсларини тежаш, кечаю кундуз сув билан ишончли таъминлаш имконини берадиган ток частотасини ўзгартирувчи замонавий қурилмалар ўрнатилди. Шунингдек, жорий йилда 24 та эски насосни энергия тежайдиган, яъни кам микдорда энергия сарфлайдиган замонавий, кучли насосларга алмаштириш режалаштирилмоқда. Бу эса энергия тежайдиган технологияларнинг нақадар самарадорлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва тўловларни амалга оширишда қулайликлар яратиш мақсадида истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун биллинг тизими жорий қилинди. Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш уларнинг самарали ишлашининг муҳим омилли ҳисобланади, ушбу тизимларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилишга ижобий таъсир кўрсатади.

2012-2013 йилги қуз-қиш мавсумида Тошкент шаҳри ва пойтахтимиз атрофидаги туманлар, барча тоифадаги истеъмолчиларни сув билан сифатли ҳамда узлуksиз таъминлаш бўйича тайёргарлик ишлари белгиланган режага мувофиқ олиб борилмоқда ва ушбу юмушлар шу йилнинг август ойигача якунланиши даркор. Бу эса аҳоли турар жойлари, умумтаълим ва тиббиёт муассасалари, корхона ҳамда ташкилотларни қуз-қиш мавсумида тоза ичимлик суви билан узлуksиз таъминлаш имконини беради.

Роман БОНДАРЧУК, ЎЗА мухбири

Намунали йўлаклар дилни равшан этади...



Сергели (1)



Шайхонтохур (2)



Мирзо Улугбек (3)




Миробод (4)



Олмазор (5)



Учтепа (6)



Ҳамза (7)



Чилонзор (8)



Яккасарой (9)



Юнусобод (10)



Бектемир (11)

Газетамизнинг шу йилги 25 май сонида «Саришта бўлса хонадон — диллар бўлур чароғон» сарлавҳаси остида шахримиз кўп қаватли уйлариининг йўлакларида озодаликнинг аҳволи ҳақида бафуржа мулоҳаза юритган эдик.
Мана, орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. Ҳўш, аҳвол ўзгардим?
Орада кўп яхши ишлар қилинди. Буни бу галги ўрганишимиз ҳам кўрсатиб турибди.
Бу сафар барча туманларни айланиб, намуналисини ҳам, қаровсизини ҳам суратга туширдик. Келинг, сўзимиз қуруқ эмас, исботи билан бўлсин, дедик. Ахир, олманинг ҳам икки томони бўлади-да. Суратларга назар ташласангиз, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз. Ана шунда халқимизнинг: «Гуруч қурмакис бўлмас экан», — деган мақолини ҳам эслайсиз.

Зийрак бобо шаҳар кезади

ЙЎЛАКЛАРИМИЗ ОЗОДА ВА САРИШТА БЎЛСИН

Сергели туманидаги Сергели-3 мавзеининг «Наврўз коммунал сервис» хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати (ХУЖМШ)га қарашли 26-уйнинг 2-, 3-ва 4-йўлакларида яшовчилардан хурсанд бўлдик. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, киравериш олдидидаги бўш жойларга чиройли қилиб яшил буталар экилган, уй олдидидаги ҳовлида болалар ўйин майдончаси мавжуд, у ер ҳам тозалаб, сугурилган. Сергели-7 мавзеининг «Севара Строй сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида қарашли бир неча кўп қаватли уй йўлакларини айландик. 7-уйнинг 1-, 6-уйнинг 2-йўлагини (**чапдан биринчи сурат**) кўриб, дил яйрайди. Ичкари ва ташқари томонлари таъмирланган, эшиги бўялган, атрофлари тоза-озода, кўкаламзорлаштирилган. Аммо 5-уйнинг 2-йўлагиди (**ўнгдан биринчи сурат**) тесқари аҳволни кўрдик. Йўлак атрофида чикиндилар тўпланиб ётибди, тоmidан сув ўтган.

Шайхонтохур туманидаги «Қора тут лидер коммуналчи» ХУЖМШга қарашли Марказ-13 мавзеининг 1-уйи 3-йўлга жуда намунали, кираверишда икки томонда мева ва манзарали дарахтлар кўкартирилган, остида яшил майсалдар одамнинг баҳри дилини омади; кўзни қувонтирадиган бўлди. Кичик халқа йўли кўчасидаги «Висол коммунал» ХУЖМШга қарашли 1а-уйнинг 1-, 2- ва 3-йўлаклариди (**чапдан иккинчи сурат**) деворларига бежирим қилиб қошинлар терилган, кираверишдаги тоқсурини айтмайсизми! Узумлари пишай деб қолибди. Атрофдаги кўкаламзор ҳам киши ҳавасини келтиради.

Марказ-27 мавзеининг «Эркин коммунал» ХУЖМШга қарашли 4-уйи 1- ва 4-йўлаклариди (**ўнгдан иккинчи сурат**) атрофларидаги кўкаламзор — яхши, лекин йўлакнинг ўзи — жуда кўрimsиз, эшигию деворлига реклама қозғолари пала-партиш, устма-уст қилиб ёпиштириб ташланган, ўргимчаклар ин қўйган, бу яқин даврда таъмирланмаган.

Мирзо Улугбек туманидаги Шастри кўчасининг «Оқибат коммунал» ХУЖМШга қарашли 16-уйнинг 1-йўлагиди (**чапдан учинчи сурат**) таъмирланган, эшигига домифон ўрнатилган, атрофдаги уйлариининг деворларига чиройли панжаралар қўйилган, уй атрофида шакл берилган дарахтлар кўзни янаштади. Аммо Муस्ताқиллик шох кўчасининг «Умид нури сервис» ХУЖМШга қарашли 79-уйнинг 3-, 4- ва 7-йўлаклариди (**ўнгдан учинчи сурат**) аҳвол яхши эмас. Деворлардаги ола-чалпоқ эълонлар қозғолари ҳар қандай кишининг таъбини хира қилади. Хусусан, 3-йўлакка кираверишда асфальт қўчиб ётибди.

Миробод туманида жойлашган Нукус кўчасидаги 4-уйда бўлдик. У «Нукус коммунал» ХУЖМШга қарайди. 3- ва 4-йўлакларининг (**чапдан тўртинчи сурат**) кўриниши — чиройли, ичкари деворлар бўялган, атрофдаги арчалар яшиллик бағишлаб турибди, дарахтлар оқланган, катта-катта гултувакларга гуллар экиб қўйилган. Аммо Шахрисабз кўчасининг «Минг ўрик коммуналчи» ХУЖМШга қарашли 23-уй 3- ва 4-йўлаклариди (**ўнгдан тўртинчи сурат**) бунинг тесқарисини кўрдик. Эшикларни қўйшайиб қолган, яхши очиб-ёпилмайди, ён-атрофи оқланмаган, атрофидаги ерлар қакраб ётибди.

Олмазор туманидаги Беруний-Ғунчадаги «Хавас нур сервис» ХУЖМШга қарашли 2-уйнинг 5-, 7-, 8- ва 10-йўлаклариди (**ўнгдан бешинчи сурат**) аҳоли ҳам яхши эмас. Деворларга бунча эълонни чаглаб кетишларига бу ерда яшаётганлар қандай чидаб келаяпти экан, ҳайронмиз. Мухбир кўчасининг «Мухбиробод» ХУЖМШга қарашли 10-уйнинг 1-йўлагиди эса тамоман ўзга бир манзарага дуч келдик. У Европа услубида таъмирланган, шахмат тарзида қошинлар терилган, мрамр ҳам ишлатилган. Атрофга гуллар, дарахтлар экилган. Гулзорда кичкина фаввора ҳам мавжуд. Шу кўчадаги 4-уйнинг 1-йўлагиди (**чапдан бешинчи сурат**) ҳам тўла таъмирдан чиқарилган, атрофи чиройли панжаралар билан ўралиб, арчалар экилган. Ҳаммаёқ тоза-озода, сугурилган-сидирилган.

Учтепа туманидаги 15-мавзеининг «Богобод коммунал» ХУЖМШга қарашли 2-уйнинг 6-йўлга атрофлари бир хил қилиб бўялган. Киравериш эшигига қулф ўрна-

тилган. Атрофдаги яшил буталар уй кўркига кўрк қўшиб турибди. Шу мавзедаги 9а-уйнинг 1-йўлагиди (**чапдан олтинчи сурат**) ҳам кўзни қувонтиради. Хусусан, кираверишдаги ток ишқимни айтмайсизми? Афсуски, шу мавзедаги 1-уйнинг 1а ва 3-йўлаклариди (**ўнгдан олтинчи сурат**) ичкариладя таъмирланмаган, киши билан чакка ўтгани кўриниб турибди, эшик устида айвон йўқ. Атрофда аккам-дуккам буталар ўсган холос.

Ҳамза туманидаги С. Азимов 1-тор кўчасининг «Нур ижод тарақийёт» ХУЖМШга қарашли 4-уйи 1- ва 2-йўлакларини ҳам намунали деса бўлади. Ҳатто, 2-йўлакнинг кираверишга кафеъл ётқизилган. Ён қисмига мрамр-сифат материал билан жило берилган. Темир эшик ҳам чиройли қилиб бўялган, унга қулф ўрнатилган. Шу тор кўчадаги 1-уйнинг 2-йўлагининг (**ўнгдан еттинчи сурат**) эса на ичкарисини, на ташқарисини бўялган, деворларининг ойналарини синган. Шу ердаги 2-уйнинг 4-йўлагиди (**чапдан еттинчи сурат**) атрофига гуллар, арчалар экилган, одамлар ўтириб, ҳордиқ чиқариши учун тахта ўриндиклар бор, ҳаммаёқ топ-тоза. Лекин худди шу уйнинг 1-йўлагиди атрофида ўриндиклар йўқ, эшиги бўялмаган, деворнинг сувоқлари қўчганлигининг гувоҳи бўлдик.

Чилонзор туманидаги Марказ-1 мавзеининг «Халол коммунал» ХУЖМШга қарашли 22-уйи 3-йўлагини (**чапдан саккизинчи сурат**) кўриб баҳри дилингиз очиларди. Ҳовлида болалар ўйин майдони бор. Атрофга гуллар, арчалар экилган. Яшил «девор»лар чиройли қилиб буталган. Шу мавзедаги 19-уйнинг 1-йўлагиди эшигига қулф, домифон ўрнатилган. Кириш йўлаклариди таъмирланган, зиналарга қошин терилган. Ён-атрофига атиргуллар экилган, яшил буталар ўстирилган.

Марказ-1 мавзеининг «Динамо коммуналчи» ХУЖМШга қарашли 12-уйи 2-, 3- ва 5-йўлаклариди (**ўнгдан саккизинчи сурат**) эса ўзгача аҳволни кўрдик. Йўлаклар таъмирталаб бўлиб қолган, ён-атрофлари тозаланмаган, ичкариларини ис босган, деворлар ва эшикка пала-партиш билан эълонлар ёпиштирилган.

Яккасарой туманидаги Ракат кўчасининг «Беларик» ХУЖМШга қарашли 4а-уйнинг 1-йўлагиди (**чапдан тўққизинчи сурат**) кираверишда яшил бутазорлар барқ уриб турибди. Атрофига қаравот ўрнатилган. Фонтан, аргимчоқлар, тахта ўриндиклар бор. Атрофга мевали дарахтлар, райхон экилган.

Аския кўчасининг «Аъло лочин» ХУЖМШга қарашли 32-уйи 3-йўлагиди (**ўнгдан тўққизинчи сурат**) эса аксинча ҳолат. Йўлак яқин йилларда таъмирланмаган. Атрофидида полиэтилен халтада чикиндилар ётибди. Деворнинг сувоқлари кўчиб кетган.

Юнусобод туманидаги Амир Темур кўчасининг «Аъло Марварид» ХУЖМШга қарашли 2а-уйнинг 1-йўлагиди тўлиқ таъмирланган, эшигига домифон ўрнатилган. Атрофига арчалар экилган. Яшил «девор»лар чиройли қилиб буталган. Ёнида болалар ўйин майдони бор. Шу кўчадаги 2-уйнинг 3-йўлагиди (**чапдан ўнинчи сурат**) ҳам таъмирланган, эшигига домифон ўрнатилган, атрофига арча ва мевали дарахтлар экилган. Аҳоли учун усти ёпик дам олиш жойи бунёд этилган. Бироқ 14-мавзеининг «Катерина коммунал» ХУЖМШга қарашли 62-уйнинг 3-йўлагиди (**ўнгдан ўнинчи сурат**) таъмирга муҳтож экан. Бўёқлари қўчган. Кириш йўлагининг темир эшигига ҳар хил эълонлар пала-партиш ёпиштириб ташланган.

Бектемир туманидаги Рохат кўчасининг «Улугбек сервис» ХУЖМШга қарашли 75-уйнинг 3-йўлагиди (**чапдан ўн биринчи сурат**) тўлиқ таъмирланган бўлиб, эшигига домифон ўрнатилган, атрофидида дарахтлар ва гуллар барқ уриб турибди. Йўлакнинг ичкарисини ҳам чиннидай. Шу уйнинг 1-ва 2-йўлаклариди ҳам шундай чиройли манзарарага дуч келдик. Бироқ шу кўчадаги «Ербек» ХУЖМШга қарашли 17-уйнинг 5-йўлагиди (**ўнгдан ўн биринчи сурат**) таъмирланган бўлсада ремонтни сифатли бажарилмаган. Сувалмасдан оқлангани учун айрим жойларнинг гишталари чикиб ётибди, йўлакнинг ичкарисини ис босган. Темир эшик ёнида ҳам сувалмай қолган жойлар бор.

ратларда акс эттирилган йўлакларда яшаётганлар, албатта, ўз манзилини таниб олади. Саранжом-саришта, тоза-озода йўлакларда яшаётганлар бундан буён ҳам ўз йўлакларини асрашини, тоза тутишини қанда қилмайди, танқидга учраган йўлакларда истиқомат қилаётган, шу уйларга масъул хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари мутасаддилари ҳам ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олишар...

Еруғ юз билан кўришиш ҳам-мамизга насиб этсин, азизлар!

Зийрак бобога Олим МАХМУДОВ котиблик қилди

Қаровсиз йўлаклар кўнгилни ранжитади...



Сергели (1)



Шайхонтохур (2)




Мирзо Улугбек (3)



Миробод (4)




Олмазор (5)



Учтепа (6)



Ҳамза (7)




Чилонзор (8)



Яккасарой (9)



Юнусобод (10)



Бектемир (11)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидида ўтказилгангачи аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Аббосова кўчасида жойлашган Цемент омборхонаси ва унинг ёнидаги қурилиши тугалланмаган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси 149 536 125 сўм. 2. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 21.01.2012 й. № 586-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Примкулов кўчасида жойлашган Савдо мажмуаси. Бошланғич баҳоси 625 000 000 сўм. 3. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 21.01.2012 й. № 3218-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Примкулов кўчасида жойлашган Дўкон биноси. Бошланғич баҳоси 120 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 30 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

4. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 04.08.2010 й. № 19770/19-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қиррай тумани, Янгибод к.ф.й. Асарларчилар кўчасида жойлашган яшаш учун мулкдорланган уй. Бошланғич баҳоси 9 814 071 сўм. 5. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 26.10.2009 й. № 2-106-09 ва 17.12.2009 й. № 33712/7-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ченобод кўчаси, 33/бда жойлашган икки қаватдан иборат хонадон. Бошланғич баҳоси 599 944 000 сўм. 6. Қиррай тумани СИБ томонидан 01.05.2012 й. № 6237/5-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қиррай тумани, Саалар ш.ф.й. Селекция маҳалласида жойлашган Тикувчилик устанонаси. Бошланғич баҳоси 51 050 000 сўм. 7. Қиррай тумани СИБ томонидан 03.02.2011 й. № 1-55-11-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, Ойбек кўчаси, 42-уйда жойлашган маъмурий бино. Бошланғич баҳоси 30 218 000 сўм. 8. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 17.05.2012 й. № 11-1232/3223-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Янги аул қишлоғида жойлашган Фишт заводи. Бошланғич баҳоси 267 110 000 сўм. 9. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 17.05.2012 й. № 11-1232/3223-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Янги аул қишлоғида жойлашган Ер усти ва газ қувири. Бошланғич баҳоси 66 780 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 14 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 14 август куни савдода сотилмаган тақдирда, маъмур мулкларни сотиш юзасидан тақрир савдо 2012 йил 29 август куни бўлиб ўтишини маълум қилармиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида беэсита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун таллабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидида талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтохур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049 3605 0002, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Махсил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Иптак йўли кўчаси, 184 - й. Телефон: (8 - 371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052

«Lazzat Karamel» МЧЖ шаклидаги қўшма корхона (ИНН 302139813) жамият устав фонди 1904120 АҚШ долларидан 1523296 АҚШ долларига қисқартирилганлиги ҳақида маълум қилади. Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Тошкент шаҳри, Жарқўрган кўчаси, 76-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Спорт ангилликлари



Мухаммад Амин (ЎзА) олган сурат

ЁШ ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Мусобақада мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон, Япония, Украина, Сербия, Миср, Латвия, Польша, Молдова, Туркменистон ва Қозғоғистондан ёш гимнастикачилар ғолиблик учун куч синашди.

Ўсмирлар ўртасида алоҳида гимнастика предметларида машқ бажариш бўйича Абдулла Азимов энг кўп — 14,1 балл жамғариб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Пенза шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган «Олимпия умидлари» халқаро турнирида гимнастикачиларимиз биттадан олтин ва бронза медалга сазовор бўлди.

«Умид нихоллари — 2012» спорт уйинлари ғолибаси Елена Рега эса қизлар ўртасидаги кўпкураш беллашувларида учинчи

натижани қайд этди ва бронза медал билан тақдирланди. Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси

«Локомотив» жисмоний тарбия ва спорт клуби доим кўплаб ўсмир-ёшлар билан гавжум бўлади. Улар спортнинг турли йўналишларида шуғулланиб келмоқдалар.

«ЛОКОМОТИВ» ЁШЛАРИ — ҒОЛИБ

— Дарҳақиқат, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат компаниясига қарашли бу клуб пойтахтимиздаги нуфузли спорт мажмуаларидан саналади, — дейди спорт устаси Собир Валиев. — Бу ерда ёшлар спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича шуғулланиб, ўзларининг жисмоний имкониятларини кенгайтиришга эришмоқдалар. Эътиборлиси, шуғулланувчиларнинг аксарият қисми темирйўлчилар ва уларнинг оила аъзоларидир. Ўтган йилдан бошлаб ўзбек жанг санъати спорт тури ҳам йўлга қўйилди. Бугунги кунда малакали мураббийлар кўл остида бокс, юнон-рум кураши, энгил атлетика билан шуғулланаётганлар кўпчиликини ташкил этади. «Локомотив» тарбияланувчилари халқаро турнирларда ҳам

иштирок этиб, юртимиз шарофтини ҳимоя қилиб келмоқдалар. Жумладан, Боку шаҳрида бокс бўйича ўтказилган халқаро хотира турнирида ҳам спортчиларимиз ғолибликни қўлга киритди. Навоий шаҳрида бокс бўйича 17-18 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика чемпионатида «Локомотив» терма жамоаси аъзоларидан таркиб топган ўн нафар боксчи иштирок этди. Шунингдек, 1994-1995 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида клуб аъзолари ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Мазкур мусобақа мобайнида ҳам қатор иқтидорли ёшлар кашф этилди.

Яна қатор мусобақаларда «Локомотив» клуби аъзолари ўз маҳоратларини намоён этдилар.

Аҳад ОДИЛОВ

Ҳаёт турли-туман тасодифларга, биз билган-билмаган сир-синоатларга бой. Шу боис, мудом ҳушёр ва зийрак туриш, ҳар қадамда эҳтиёткор бўлиш хотиржамлик, осудалик муҳитини вужудга келтиради. Акс ҳолда... Фалокат оёқ остида.

Эҳтиёткорлик унутилмаганида ёки техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинганда, эҳтимол ҳали 18 ёшга тўлиб улгурмаган Фаррух исми йигит бир қисми кулаб тушган кўп қаватли эски бинонинг бетон парчалари ва гиштар уюми остида қолиб кетмаган бўлармиди?

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Тезкор навбатчилик қисмига Миробод тумани Шахрисабз кўчасида жойлашган «Фотон» ОАЖ ҳудудида демонтаж (эски бинони бузиш ишлари) вақтида бинонинг бир қисми кулаб тушиб, бетон-плиталар ва гиштар орасида одам қолиб кетганиги тўғрисида хабар келиб тушди.

Тошкент шаҳар ФВБ бошлиғи подполковник Бахтиёр Раҳмонқулов бошчилигида бошқарманинг ҳарбий хизматчилари, Қутқарув отрядининг 7 нафар қутқарувчилари 4 та махсус автоуловларда 13 дақиқада воқеа жойига зудлик билан етиб келишди. Орадан кўп ўтмай, Тошкент шаҳар ҳокимлиги «050» — Қутқарув хизмати бошқармаси қутқарувчилари ҳам шу ерда пайдо бўлишди. Воқеа жойига Тошкент шаҳар ИИББ, Миробод тумани ИИБ раҳбарияти ҳамда тегишли туман фуқаро муҳофазаси хизматлари ҳодимлари жалб этилди.

Аниқланган маълумотларга кўра, «Фотон» ОАЖ ҳудудида демонтаж ишлари «Чирчиқ кимё қурилиш» корхонаси томонидан ёлланма ишчилар ёрдамида амалга оширилган вақтда техника хавфсизлигига риоя қилинмаганиги ва биноларни бузиш қоидалари кўпол равишда бузилганлиги оқибатида бинонинг бир қисми кулаб тушганиги ойдинлашди.

Бу ерда ҳозиргина содир бўлган вазият аянчли. Бузилаётган кўп қаватли эски бинонинг ертўла қисмида оғир-залворли бетон-плиталар остида бир йигит инграб, нажот кутиб ётибди. Бундай қалтис вазиятда ўтиб бораётган ҳар бир дақиқа, ҳар бир сония ғанимат. Масала ғоятда жиддий-мураккаб.

Бу ердаги барча йиғилганларнинг фикри зикрида фақат битта муаммо — у ҳам бўлса, жабрланувчининг ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган. Бироқ бу осон юмушлар хилидан эмас. Бу ерда бир инсоннинг тақдири

ётибди. Ҳозир унинг ҳаёти хавф остида. Хўш, бундай қалтис вазиятда қандай чора-тадбир кўлламоқ зарур? Уни қутқариб, ҳаётини сақлаб қолиш учун дастлабки ишни нимадан бошламоқ керак? — Ҳа-я, йигитчанинг исми нимаиди? — Фаррух. — Ўзи тирикмикан ишқилиби? — Уни қақриб қўриб, овозини эшитиш керакдир балки?

Қидирув-қутқарув ишлари бошлаб юборилди. Дастлаб кўп тоннали оғир юк кўтаргич автокран ёрдамида барча бетон-плиталар бирин-кетин четга олиб қўйилди. Шундан сўнг қутқарувчилар гуруҳларга бўлиниб, бараварига ишга шўғилди. Битта гуруҳ махсус асбоб-ускуналар ёрдамида бетон орасидаги сым ва арматураларни кесиб, бошқа гуруҳлар эса синиқ бетон парчалари ва гишталарни тегиб олиб, тўкиб келишга тушишди.

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан ФИДОЙИЛИК НАМУНАСINI КЎРСАТИШДИ

Юқоридаги сўзларни зимдан эшитиб, қузатиб турган подполковник Б. Раҳмонқулов бу ерда йиғилганларни огоҳликка даъват этиб, ҳозирча жимжитликни сақлаб туришни ва барча транспорт воситаларини бир муддат ўчириб қўйишни буюрди. Бир оз сукунат юзага келгач, «Фаррух», «Фаррух» дея қақришди.

Уюм-уюм бўлиб ётган бетон ва гишт парчалари, устма-уст қалашиб ётган оғир тоннали бетон-плиталар орасидан инграган кўйи бир овоз эшитилди. «Ҳайрият тирик экан», — дейишди воқеа иштирокчилари.

Энди асосий масала — олтинга тенг бўлган вақтни бой бермаслик, ҳаёти қил устида турган жабрдийдани соғ-саломат олиб чиқиш. Аксинча, беҳуда ўтказиб юборилган ҳар бир фурсат Фаррух ва унинг яқин қариндошлари зиёнига — қайғусига хизмат қилиши ҳам мумкин. Буни ўз вақтида англаб етган ва ҳозир шу ерда бўлган шаҳар ФВБ ҳарбий хизматчилари, Қутқарув отряди қутқарувчилари, «050» — Қутқарув хизмати бошқармаси ҳамда ФМ тузилмалари мутасаддилари зудлик билан ишга киришдилар.

Дўст қулфатда билинади, дейдилар. Шу ерда ҳозир бўлган қурувчи-дуррадгорлар ва бошқалар ҳам Фаррухнинг дўстларига айланишди гўё. Улар бир жон, бир тан бўлиб, қўли қўлига тегмаётган қутқарувчиларга имкон борича кўмак беришга ҳаракат қилдилар.

Барчанинг астойдил саъй-ҳаракатлари туйғули хавфли жойлар ва авария қисмида тозалаш-ковлаш ишлари поёнига етишига санокли дақиқалар қолгач, кимдир яна «Фаррух», «Фаррух», дея қақриди. Яна ўша — такрорий ҳолат. Бу гал ҳам йигитчанинг синиқ, инграган овози эшитилди. Қутқарувчилар: «Фаррух, хотиржам бўл, озгина қолди, сени албатта қутқариб оламиз», дея унга далда беришди.

Фаррухнинг нафас олиши дақиқа сайин қийинлашиб боради, боз устига унинг бўйни аралаш икки қифти устига кулаб тушган бетон-тўсин оғирлиги боис, атайин қилгандек тобора пастга силжиб боради, шундоқ ҳам чағир уюмлар орасида ноқулай туриб қолган йигит бош, елка-бўйин қисмини қўйи томон эгишга мажбур бўларди.

Қутқарувчилар ҳамда уларга ёрдам берувчиларнинг жадаллик ва эчкилик билан ҳамқору ҳамдаст бўлиб ишга киришишлари ўзининг ижобий самарасини бера бошлади. Биринчи қаватда уюлиб ётган барча бетон ва гишт парчалари олиб чиқилгач, эндиги иш навбати эски бинонинг ертўла қисмига бориб тақалди.

Ертўлага кириб борган қутқарувчилар қоидага кўра, Фаррухнинг бошига ҳимоя каскасини кийдиришди ва зудлик билан гидравлик домкрат, кесувчи-қирқувчи асбобларни бирин-кетин ишга туширишди. Барча ишлар поёнига етгач, қутқарувчилар кўчли саросима ва кўрқувдан ранглири синиққан Фаррухнинг эҳтиёткорлик билан охишта замбилга ўтказиб, ташқарига — хавфсиз жойга олиб чиқдилар. Унга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, «тана ва пастки аъзоларнинг қисилиши, тананинг кўплаб жароҳати» дастлабки ташхиси билан шу ерда турган «Тез ёрдам» машинасига жойлаштирилди.

Ҳозирда аниқланган маълумотларга кўра, Фаррух Умаровнинг соғлиги — қоникарли. Шунинг ҳам алоҳида эътироф этиш жоизки, халоскорлик ишларининг сифатли ва самарали олиб борилишида подполковник Б. Раҳмонқулов раҳбарлигида Қутқарув отряди қутқарувчилари — Ботир Усмонов, Анвар Жўраев, Шерзод Одилов, Ҳасан Шонусратов ҳамда «050» Қутқарув хизмати бошқармаси раҳбари Эргаш Икромов бошчилигидаги қутқарув гуруҳи ҳодимлари фидойилик, ўта фаоллик намуналарини кўрсатдилар.

Кўнгилсиз ҳодисалар оқибатида ҳаёти хавф остида қолган, ёши, миллати ва ирқидан қатъи назар инсонларнинг қурбон бўлишига йўл қўймасликка улгурсак, бизлар учун бу катта ютуқ, Беминнат хизматимиз туйғули ҳаёти сақлаб қолинган инсон ва унинг яқин қариндошлари қанчалик хурсанд бўлса, биз — қутқарувчиларнинг шодлиги уларникидан ҳам бўлмайдими. Ахир жабрдийдаларнинг қайғусига ҳамдард бўлгандан кўра, уларнинг қунончиға шерик бўлганга нима етсин, — дейди Тошкент шаҳар ФВБ «Авария-қутқарув гуруҳи» командири, «Жасорат» медали соҳиби, сержант Максуд Мансуров. Қидирув-қутқарув муваффақиятли якун топган, ҳамманинг юз-кўзида қоникқиш ифодаси зоҳир бўлди. Энг муҳими, барча иштирокчилар пойтахтимиз халоскорлари томонидан олиб борилган тезкор ҳаракатлардан тўла қоникқиш ҳосил қилдилар.

Азамат СУЙОНОВ, журналист



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Очилгунча йўл Сабр-тоқатли бўл.

Бировни хафа қилиш осон, хурсанд қилиш қийин.

Бошинга иш тушганда ўзини олиб қочадиганлар дўст эмас.

Иши битган думини тутқазishi қийин.

Вақтнинг қадрига етган сари беҳуда ўтган фурсатингга ачинасан.

Нимаки кам бўлса, азиз бўлади.

Ҳаддидан ошган жазосини тортади.

Тақдир муте кимсаларнинг юпанчи.

Билимли дегани ақлли ва саводли дегани эмас.

Аслида йўқнинг наслида йўқ.

Ҳаётнинг ҳар ҳодисасида бир қонуният бор.

Бефаросатлик амалда панд беради.

Умрингнинг беҳуда ўтганини англашдан ҳам ортиқ фожиа бўлмаса керак.

Инсон кўради, эшитида, ўқийди, лекин ибрат олмайди.

Одамларнинг гап-сўзи кўпинча яхшиликка эмас, ёмонликка хизмат қилади.

Ким фарзандига суянади, кимга фарзанди суянади.

Бировнинг касрига кўпинча бошқа қолади.

Керакли одам билан ҳисоблашадилар.

Кўздан қолсанг ҳам ўздан қолма.

Кимнинг ёмонлиги бошига етади, кимнинг яхшилиги.

(Давоми бор) Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сонли академик лицей 2012-2013 ўқув йилига математика, физика, информатика, она тили ва адабиёт, биология, кимё, тарих, жисмоний тарбия, ЕҶКБТ ўқитувчилари учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Чилонзор тумани, 7-мавзе, 38-уй, 50-хонадонда яшовчи Халилова Муаттар Эргашевна номига берилган уй режаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 13 июлда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳити Тошкент шаҳрида тида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилди. Атмосферанинг инфляцияси 1-3 фойиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«PRIME BUSINESS GROUP» масъулияти чекланган жамияти кредиторларга қуйидагиларни маълум қилади. Жамият таъсисчиларидан бири жамият таркибидан чиққанлиги сабабли жамиятнинг устав фонди камайтирилиб, 86 241 682 сўм қилиб белгиланди. Қўшимча маълумотлар учун Тошкент шаҳри, Жарқўрғон кўчаси, 76-уйга мурожаат этилсин.

«Ўзсанотқурилишбанк» Ал-Хоразмий филиали қатъий ҳисобида турувчи №8535572, 8535575 ва 8535646 рақамли 3 (уч) дона ТХ-1 ш патталари йўқолганлиги учун БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ва тармоқ қасаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари Тошкент шаҳар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳодимлари қасаба уюшмаси Кенгашининг райиси Зийдулла Худойбердиевга волидаи мухтарамаси Тожинисо ХУДОЙБЕРДИЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми? Бу борада ишончли ҳамкор изляяпсизми? Унда шошилиб таваккал қилманг. Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совирушингиз мумкин.

Манзилми: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 ТЕЛЕФОНЛАР: Ёлпонлар: 233-28-95, 236-57-85. факс: (371) 232-11-39 2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган Нашрини отказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ